
Рақамли технологиялар соҳаси билимдонлари муносиб рағбатлантирилди

Ўтган октябр ойининг иккинчи ярмида Ўзбекистон туманидаги Рақамли технологиялар ўқув марказида "IT Days: IT-куnlari" тадбирлари ташкилланган эди. Унда туман ёшлари "IT-билимдон", "Zakovat Quiz" интеллектуал ўйини, шахмат-шашка ҳамда киберспорт каби мусобақаларда фаол иштирок этди.

IT-куnlari интилувчан ёшларнинг ўз билимларини амалда синаб, янги тажрибалар орттиришига, амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилди.

Куни-кеча ана шу мусобақалар ғолибларини тақдирлашга бағишиланган якуний тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимининг ўринbosарлари Муслимбек Аҳмедов ва Жаҳонгир Акрамов, билимдон ёшлар ва уларнинг яқинлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар томонидан ёшларга келгусида ҳам замонавий билимларни пухта эгаллаб, ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб этишларига эзгу тилаклар билдирилди.

Ўтказилган мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари туман ҳокимлиги ва Рақамли технологиялар ўқув марказининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу куни марказда октябр ойида таҳсил олган битирувчиларга ҳам сертификатлар топширилди.

2024-11-04 11:29:20